



Адабиётда инсон учун кимматли нарса абадийликка интилишдир.

Р. Тагор

Адабиёт ҳеч қачон, ҳеч бир халқ қорнини тўйдириб, уст-бошини бут қилмаган ва қилолмайди ҳам. Адабиётсиз яшаш мумкин – бадиий китоб ўқимаса ҳам қун ўтаверади. Ростини айтганда, бу қун эмас, зулмат бўлади. Рух ва қўнгил зулмати! Акл ва тафаккур қоронгилиги! Бошқа номлари ҳам бор унинг: гафлат, жаҳолат, авомлик ва гоказо. Дидни, савия ва идрокни адабиёт тарбияламаса, нима тарбиялайди? Ишонинг, ҳеч нима. Адабиёт – қўнгил мураббийси. Адабиёт завқ-шавқи фақат ва фақат адабиётга хос. Унинг ўрнини босадиган ёки тўлдирадиган бошқа бир нарса йўқ оламда. Адабиёт дунёси – гўзаллик, нафислик, латофат дунёси. Адабиётдан йироклашиш ва ажралиш – маънавий-рухий ахлокий-эстетик ҳасталиқларга ихтиёрий равишда йўл очиш демак. Ҳа, кўриб-кўрмасдан, билиб-билмасдан! Абдулхамид Чўлпон ҳақ: “Адабиёт ўлса - миллат ўлади”. Адабиёт ҳам худди Ватандай муқаддас. Тил, Тарих, Дин қаби адабиёт ҳам эл-юртнинг таянч тоғи эрур. “Дунёни Гўзаллик қутқаради” дегани - Гўзалликнинг қосбони, қароғбони адабиёт дегани. Не-не буюқларимиздан, дейлик, Яссавийдан, Лутфий ва Навоийдан мерос адабиётимиз бор. Бобур, Машраб, Оғахий шу адабиёт қилқанди ва муқофизлари эди. Асрлар мобайнида жафоқаш ўзбекнинг қувонч ва қайғусини ифодалаб қелган шу адабиёт Фитрат, Қодирий, Чўлпонларни зўр қураш қайдониға олиб қикқан. Адабиётга хиёнатни улар миллатга хиёнат деб қилишган. Ва ўлимға юзлашганда ҳам зиммасидаги вазифани бақаришдан қўрқмаган. қочмаган. Зеро, адабиётдаги энг қатта қуноҳ ва қабоҳат қўрқоқлик, тақлика ва ҳушомаддир. Машҳур Америка адиби Уильям Фолкнер “Қўшма Штатларда ёзувчи мамлақат маданиятининг бир бўлағи эмас: у қўпчилиқ ёқтирадиган, бироқ ҳеч қим қиддий қабул қилмайдиган қучуққа ўқшайди”, дейди. Ёзувчи- санъатқорға шундай назар қилан қараш, ҳеч шубҳа йўққи, қамиятни нафс учун талашадиган, манфаат қирси ила бир-қирини қажийдиган йиртқичлар қамиятиға айланқирини муқаррар...

Шўро давлатининг қилмишлари эса қанада қабиҳ эди. қайриинсоний мафқурасиға қизмат қилмаган, қоявий қанимға қикарган ёзувчи ва шоирни у бир қучуқ ўрнида ҳам қўрмаган. Қировини қатл қилган, қировларининг умрини қамокларда қиритган. Не-не талантларни эса синқириниб, руқини эзиб, маддохға айланқириниб олган. Шундай қоқияларни қўрган, шунана қўрқинқили шарт-шароитларда қашаб иқод этган ёзувқидан нима талаб қиласиз? Уни қўрқоқлик ва муросабозликда айблаш эса умрида битта ҳам ўқ узмаган аскарнинг қўпиринишдай бир ҳавойилиқ, бир қодонлик. Бунда масалаға бошқача қараш ва баҳо

бериш лозим.

Вазият ва шароит одамни не кўйларга солиб, кандай кўргиликларга юзлаштирмайди, дейсиз? Ёзувчи ҳам инсон: кўркади, фикр-карашини ўзгартиради, адашади... Аммо адабиётда кўркоклик бўлмайди. Туб мохиятда адабиёт адашмайди, тўхтамайди: хар кандай каршилиқ ё тўсикни енгиб янгиладанаверади. Улкан рус ёзувчиси

М.Е.Салтиков-Щедрин таъкидлаганидек, “Адабиёт ўткинчи ва ўткинчилик конуниятларидан холи. Фақат биргина адабиёт ўлимни тан олмайди”.

Дархақиқат, енгилмайдиган ва ўлмайдиган иккита мавжудлик бўлса – биттаси адабиёт. Битта бўлса ўша ҳам – адабиёт. Адабиётга зўравонлик, қахру қазаб ила раҳбарлик қилиш имконсиз. “Бу иш хатто Гитлер ва Сталиннинг ҳам кўлидан келмаган... Адабиётга раҳбар бўлишга уриниш - шамолга буйрук бериш билан баробардир” ( Н. Коржавин).

Энг оғир, энг мураккаб ва энг таҳликали замонларда ҳам чинакам талантларнинг адабиёт майдонида от суришига асосий бир сабаби шунда. Талант куч-қувватига ишончни бой бермаса, ҳаётнинг катта-кичик ўйинларига қурбон бўлмаса, нафсу хавонинг кўгирчоғи бўлишдан ўзини асрай олса – колгани ўз-ўзидан ўнгланиб, илгарилаб бораверади.

Ахир, хар кандай миллат, буюқ адабиёт соҳиби бўлгандагина, қурашчан, жасур, маънавият ва тафаккури юксалган миллат мавқеини эгаллайди. Чунки миллатнинг бутун миллий, маданий ва руҳоний ютуқлари, яратувчанлик салоҳияти унинг адабиётида мужассамлашиб боқийлик топади. Акс холда Абдулла Қаххор адабиёт кучининг атомдан ҳам ортиклигига ишонч билдирмас, адабиёт тақдири ва равнақи деб жонини жаборга бермас эди.

Хамма билади: шўро давлатининг тузук ва кармоқлари кўп бўлган. Энг синалгани: мансаб, мартаба, унвон, муқофот... Булардан бирига илинмаса, ижод аҳли иккинчисига илинган. Бировдан қочиб, бошқасига тутинган. Қочиш қаёқда! Абдулла Ориповнинг бир шеърида тасвирланганидек, хатто кўчадаги гадоё ҳам кейинчалик муқофотталаб бўлганди. Муқофот гадоёлиги эса айб ҳам, уят ҳам ҳисобланмасди...

Мен Абдулла Қаххорнинг унвон ва муқофотни кўзлаб асар ёзганига ёки бирор китоби учун унвон ва муқофотни ўйлаганига асло ишонмайман. Бирок сиёсат ва мафкура муҳорабасидан келадиган бало-қазолардан ҳаётини асраш, ҳимоя этиш коммунистик партияга суянган. Тўғрироғи, суянгандай кўринган. Буни кимлардир сезиб, сезмаганга олган, кимлардир пайқаб унга қарши гужумни қучайтиришган. Абдулла Қаххорнинг вафотига қанча йил бўлди. Қанча ёзу қишлар ўтиб кетди. Баъзи бировларнинг ичида ханузгача ҳусумат, адоват, ҳасад тутаб ётибди. Кўйиб берилса, булар марҳумни ҳам аяшмайди...

Тўғри, Қаххор сиёсат “қалқон”ига муҳтожлик сезган ва ундан фойдаланган. Агар истисно тарзда айб саналса – айби унинг ана шу! Агар “қизиллик” дейилса – Қаххорнинг қизиллиги ва коммунистликка садокати шудир. Холбуки, улуг адибнинг бекиёс Шаҳси ва санъатқорлик сирларини қенг мушоҳада қилишга қодир ўқувчи ўзгача фикрлайди.

Инсоф ва адолат билан ҳукм чиқаради.

Маълумки, барча ёзувчи китобини ҳам мароқ билан, яйраб ўқиб бўлмайди. Қайси бир санъатқор асарларини англаб, яхши кўриб ўқий олсанг, муаллиф шахсига ҳам бефарқ бўлолмайсан. Дид ва савияси баланд ўқувчини китоблари ўзига ром айлаган ижодқор борки, ҳеч истисносиз барчасининг шахсияти ўзига ҳос ва қайтарилмас. Бадиий ижоддаги “магнит майдони”, энг аввало, бутун шахсият. Бир боғландингми – ажралолмайсан ундан. Ишондингми - ишончинг оқланаверади. Бундай ёзувчининг хар

янги асаридан шахсиятига хос фазилат ва хусусиятларни кийналмасдан билиб оласан. Шу учун Толстой – Толстой. Чехов, бу – Чехов. Чингиз Айтматов шу боис бировга ўхшамайди...

“Ўткан кунлар”ни ўқиганимда, Кодирий назаримда шундок тирилик келгандай бўлган. Роман гўё бир восита-ю, Кодирий унда, асосан, ўзини, каттол замон, шарафсиз мухит билан яккама-якка қолиш фожиасини тасвирлаб берган деб ўйлаганман. Хаёл ва тасаввур шунака ишлаганики, асти кўяверасиз. Ўлмас адиб Шахси ва санъатига шу-шу меҳрим ҳам, эхтиромим ҳам чексиз...

Конхўр ва жаллодлар панжасидан кўп буюк зотларни ўлим кутказган, не-не кийнок, тахир ва укубатлардан ҳам уларни ўлим халос айлаган. Катл ва киргиндан омон қолганлари дўзах жабру жафоларини бошдан ўтказган. Аммо жони халқумига келса-да, улар чидаган. Эгилган, лекин синмаган.

Сабот ва иродасини ҳаёт аёвсиз синовлардан ўтказган адиблардан бир Абдулла Каххор эди. Каххор мохият эътибори билан кайгу ва хасрат ёзувчиси. Чеховга уни яқинлаштирган умумий ҳолат ҳам ёруғ ҳам ва хасратдир. Каххор бутун бир миллатнинг кайгу аламини кўтара олган, бутун ижодий фаолиятида кўнглида Дард силкилаган, сиёҳдонига кўз ёш томиб турган адиб. Жамиятга аралашган Каххорни биз кўпроқ биламиз. Ботинига бекинган, энг ёруғ, энг умидбахш туйғу ва тилаклари кўнгилга ҳайдалган Каххорни деярли билмаймиз. Вахоланки, каххорнинг дилда чайқалган ҳақиқат ва изтиробларнинг асосий қисми юзага чиқмай қолиб кетган.

Унинг “Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, қонга ўхшаб ернинг тагида бўлади”, деган сўзлари бевосита ўзига ҳам тегишлидир.

Умуман, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам Каххор юзада юриш, юзада иш кўришга қарши бўлган. Шогирдлари баланд мартабали бир амалдор билан муроса қилиш ҳақида гапиришганда, у “Мени йўлимдан қайтаришга уринманглар – эгаман деб мени синдириб қўясизлар”, деган экан. Эгилиб-буқилиш ҳадисини олган киши бундай деёлмайди.

Абдулла Каххорнинг ҳаётида ҳам юракни тирнаб, виждонни эзадиган ишми, ҳолатми балким бўлгандир. Нега бўлмасин? Ҳақиқат, адолат, тенглик ўлароф тарғибу ташвиф айлагани ҳафсизлик, адолатсизлик, гирромлик бўлган, эркинлик, бахтиёрлик дея кўрсатган йўли қуллик ва толесизликка маҳкум қилган бир даврда адашмаслик ёхуд хато ва гуноҳдан қочиш мумкинми? Абдулла Каххорнинг соқинлиги, собирлиги ва одиллигида бир дунё андух, пушаймонлик, зиддият беркинган. Шулар унинг ўзига-ўзи ҳисоб беришга, имкони бўлгани қадар ҳақиқатдан чекинмаслик ва адабиёт дахлсизлиги йўлида ҳеч ким билан муроса қилмасликка ундаган. Шу маънода Каххор бурч ва мажбурият юқини зиммасига олиш ва қурашишдан толиқмаган. Талантсизни талантдан фарқлашда Каххор адашмаган. Мактов кўтармайдиган асарни мактамаган. Арзимас манфаатлар учун дуч келган қаланги-қасангининг қитобига сўзбоши ёзмаган. Бундай ишларда Каххорга қимни тенг қўямиз. Каххордан бошланган гапни Каххор билан давом эттиришдан ўзга имконимиз йўқ.

Тоқат қилиб бўлмас даражада бўш, пала-партиш, устумонлик билан ёзилган “силлик” асарлар бугун тўлиб-тошиб кетди. Аммо ҳаммамиз гўёки томошабин. Битта Каххор эплаган ишни кўпчилик нега уддалай олмайди, деган фикрни ҳаёлга ҳам яқинлаштирмаймиз.

Абдулла Каххор ўзбек насрининг энг захматқаш ва танги бободехқони эди. Ҳеч вақт у “кетмон уриб, тахсин ва офарин умидида атрофга” аланглаб қарамаган. Доимо яратиш, илғари одимлаш шавқи билан яшаган.

Жахон адабиётида янги бадиий кашфиётлар яратган даҳолар сафига Каххор балки киролмас. Дунё бадиий тафаккури тажрибаларини у кенг микёсларда балки ўзлаштира олмагандир. Адиб хақидаги бир гурунда шоир Усмон Азим “Каххорнинг Чеховдан ўрганиш Чехов даражасида юксалмаган – Чеховнинг даражасида колган”, деди. Бу гапга биз кўшилдик. Чеховнинг дунёкараши, жамиятга муносабати, адабий мухити ва маҳорати эътиборга олинса, Усмон айтган фикрга эътироз тугилмайди. Лекин бадиий ижодда Каххор кўлга киритган ютуқлар ҳеч қайси классик ёзувчиникидан кам эмас.

Хаётдаги бирор бир воқеа-ҳодиса суврати, яъни зохирий манзарасини яратиб, моҳият мушоҳадасини ўқувчининг ўзига ҳавола этиш адабиёт ва санъатнинг қадимий усуллариандир. Бу усул Каххор асарлари, хусусан, ҳикояларига ҳам ҳос. Шунинг учун адиб ҳикояларини ҳар қим билими, савия ва тасаввурига яраша тушунади ёки талқин қилади. Шундан нарига ўтолмайди. Ўта олса, демак, мулоҳаза, мушоҳадада силжиш, ўзгариш бўлади. Олдин сезилмай ётган нимадир равшанлашади. Эътибордан четда колган бирор бир иборами, деталь ёхуд рангми, ярқ этиб кўзга ташланади. қандайдир оддийлик, ҳаттоки, жўнлик билан китобхонни сеҳрлаш Каххор учун ҳос бир хусусиятми, деб ҳам ўйлайсан. Унинг ўтмиш мавзуида ёзилган ҳикояларининг ҳаммаси юракда бир маҳзунлик пайдо этади. “Ўҳри” ҳикоясини неча қайта ўқиганимни аниқ айта олмайман. Зериксам, нималардандир толиқиш сезсам баъзида шу ҳикояга бир назар ташлайман. Унинг оҳанги ёқади менга. Чунки ҳикоя оҳанги боболаримиз қалбидан таралгандек, улар қисматиға ҳам мувофиқдир. Адиб Қобил бобо, Сотволди, Туробжон сингари қахрамонлар воситасида яхлит, умумлашма бир образ ихтиро этган. Бу – КАШШОКЛИК образи. Қашшоклик ва йўқсиллик одамларни бирлаштириб, ё ҳақ-ҳуқуқини танишға қорлайди, ёки ҳайвон – тилсиз махлуққа айлантириб, тўдаға ажратиб ташлайди. Эътибор берган бўлсангиз, Қобил бобо бошиға тушган ногаҳоний қулфат кўни-кўшнини дастлаб қизиктиради. Сўнг, кўп фурсат ўтмасдан ҳеч нима бўлмагандай, ҳеч нима кўрмагандай, бирин-бирин ҳамма тарқаб кетади. Биринчидан, ҳеч биров шўрлик қолға мадад бериб, ёрдам кўрсатадиган аҳволда эмас. Иккинчидан, буни ўйлаганда ҳам кўлидан ҳеч вақо қелмайди. Учунчидан, ҳар бири ўзича мададға муҳтож. Қолаверса, гафлат ва мутелиқдан озод бир банда йўқ. Неға бундай? Жавобни ўзинг ахтар, ўзинг топ, муаммоларнинг муаммосини ҳал қил ўзинг, дейди Каххор ҳикояларининг бадиий мантиғи.

Шўро давлати даврида ўзбек ҳалқи ўзлигини билди, таниди, деган гаплар кўп чайналган. Қанақа ўзлик? Қанақа таниш? “Синчалақ”да “Одам боласи қирқнинг оти эмаски, қамчи қарсиллаганда, чўққаласа”, деган гап бор. Ҳақимизнинг ўзлигини англаши, қамчи қарсиллаши-ю чўққалаб туришдан кўп ҳам фарқланмасди. Мустабид тузум қуллик ва қарамликнинг эски, ярқисиз қолға қелган қишан ва тузоқларини ўзгартирди, шароитға мувофиқ равишда янгилади, қолос. Қўрқитиш, эзиш, қиргин, алдаш қучайса қучайди – қамайтирилгани йўқ.

Абдулла Каххор “Ён дафтари”даги қайдлардан бирида, “Ғалати-ғалати “назариялар ўзи қўқариб, ўзи қуриб ётибди”, дейди. Минг афсуски, бундай муваққат “назариялар” наинқи адабиёт, балқи қитобхонларни адабиётни англаши ва қабул қилишиға ҳам қатта зиён етказган. Мақтаб ва олий ўқув юртлирида ўргатилган мужмал, мавҳум назарий тушунчалар, саёздан саёз таҳлиллар Каххор ижодиётининг қалбига етиб боришға тўсик бўлган. Аслида, ҳақиқий адабий матнға бир “йўлак”дан эмас, ўқувчи қолласа, уқдалай олса, истаган “йўл”дан қиради.

Мен болалиғимдан устод Абдулла Каххор қитобларини ўқиб, ўрганаман. Уларнинг ҳар

бири менга кадрли. Хар бирини кўлга калам олиб, кайсидир бир жойларининг остига чизиб, кайсидир каторларига белги кўйиб мутолаа килганман. Аммо назари ўткир, мендан-да зукко киши Абдулла Каххор китобларидан бундан хам кўпрок дур ва гавхар топишига ишончим комил.

Иброхим Хаккул, “Абдулла Каххор жасорати”, Тошкент, 2007.